

NAVOIY AYRIM RUS OLIMLARI TADQIQOTLARIDA

Каромат Муллахўжаева,
Алишер Навоий номидаги ТошДўТАУ
доценти, филология фанлари номзоди

Аннотация. Мақолада Алишер Навоий ижодининг рус олимлари томонидан ўрганилиши масаласига эътибор қаратилган. Муаллиф Н. Ильминский, М. Никитский, Н. Березин, В. Бартольд, Е. Бертельс, Н. Конрад, А. Болдирев каби олимларнинг илмий тадқиқотларини тилга олади ва асосан, Н. Конрадининг “Ўрта асрлар Уйғониши даври ва Алишер Навоий” мақоласини таҳлил этади ва унинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб беради.

Калим сўзлар: Навоий, ижод, тадқиқотлар, рус олимлари, талқин, қиёс, ютуқлар ва камчиликлар.

Аннотация. Статья посвящена изучению творчества Алишера Навои российскими учеными. Автор упоминает научные исследования таких ученых, как Н. Ильминский, М. Никитский, Н. Березин, В. Бартольд, Е. Бертельс, Н. Конрад, А. Болдырев. Уделяет особое внимание исследованиям Н. Конрада по творчеству Навои. Проанализировав его статью «Средневековое Возрождение и Алишер Навои» показывает достижения и недостатки автора данной статьи.

Ключевые слова: Навои, творчество, исследования, российские ученые, интерпретация, сравнение, достижения и недостатки.

Abstract. The article is devoted to the study of Alisher Navoi's work by Russian scientists. The author mentions the scientific research of such scientists as N. Ilmenny, M. Nikitsky, N. Berezin, V. Bartold, E. Bertels, N. Konrad, A. Boldyrev. Pays special attention to N. Konrad's research on the work of Navoi. Analyzing his article "Medieval Renaissance and Alisher Navoi" shows the achievements and shortcomings of the author of this article.

Key words: Navoi, creativity, research, Russian scientists, interpretation, comparison, achievements and disadvantages.

Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли ва ижодига қизиқиш, уни ўрганиш шоир яшаган замонда бошланган эди. Бироқ Навоийни ўрганиш йўлидаги уринишлар – фундаментал тадқиқотлар XX асрда яратилди. Кейинги йиллари бу соҳада эришилган ютуқларнинг катта қисмига ана шу фундаментал тадқиқотларнинг рационал мағзи кўчган, деб айтиш мумкин.

Дунё навоийшунослигида XIX аср охири XX аср рус шарқшуносларининг инкор этиб бўлмайдиган муҳим тадқиқотлари бор. Жумладан, Н. Ильминский, М. Никитский, Н. Березин, В. Бартольд, Е. Бертельс, Н. Конрад, А. Болдирев ва бошқаларнинг тадқиқотларидаги шоир ҳаёти ва ижодига оид кўплаб фактлар, муҳим фикрлар кейинги давр навоийшунослигига ҳам таъсир этгани сир эмас.

В. Бартольднинг “Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт” (“Мир Али-Шир и политическая жизнь”) деб номланган монографик тадқиқоти XX аср бошлари навоийшунослигида муҳим ўрин тутган эди.

Муаллиф ушбу тадқиқотида манбаларга таяниб иш кўрган. Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, “Муҳокамат ул-луғатайн” асарлари, Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ”и, Абдураззоқ Самарқандий, Давлатшоҳ Самарқандийнинг тазкиралари, Бобурнинг “Бобурнома”си, Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асари, айна пайтда, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди бўйича Ф. Белен, Л. Бува, Э. Браун каби ғарб олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотларга суянган, баъзан уларга ўз муносабатини ҳам билдирган. XX асрнинг 20-йиллари охирида бажарилган ушбу тадқиқот кейинги йиллар навоийшунослигига салмоқли таъсир кўрсатди. Кўп олимлар, жумладан, ўзбек адабиётшуноси Олим Шарафиддиновнинг Навоий биографиясини ёритишга бағишланган “Алишер Навоий” китобида шоир шахси В. Бартольд илмий талқинидаги каби сиёсий жиҳатдан бўрттириб кўрсатилган. Е. Э. Бертельс ҳам В. Бартольд изидан бориб, 1948 йили “Навоий” монографиясини чоп этди. Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган рус олимларининг тадқиқотларида, айниқса, Навоий билан Ҳусайн Бойқаро муносабатларига оид масалаларда, баъзан бошқа ўринларда ҳам В. Бартольд фикрларига ҳам жиддий “таҳрир”лар киритилгани, яъни манбаларга асосланиб янги фикрлар тақдим этилгани навоийшуносликда маълум.

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий меросини тадқиқ этган бу даврдаги рус шарқшунос олимларининг бундай эътибори замирида, эҳтимол, айрим мутахассислар таъкидлаганларидек, миссионерлик кайфияти, “улуғ рус” шовинизмининг даъволари ҳам бўлгандир. Бироқ уларнинг олимлик виждони шоир асарларини, унинг ҳаёт йўлини ўрганиш жараёнида муайян ҳақиқатларни айтиш учун куч берган. В.В. Бартольд, Е. Э. Бертельс, Н. И. Конрад каби олимлар Навоий ижоди, умуман, Шарқ бадиий-фалсафий, ижтимоий тафаккурини ўрганиш билан боғлиқ масалаларда ўз фикрини айта олган эдилар. Шу маънода В. Бартольднинг “Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт” деб номланган монографияси муайян қимматига эга.

Рус шарқшунослигида Навоий ижодига турли ракурслардан мурожаат қилинганини ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, дунё маданияти тарихининг билимдони шарқшунос олим, академик Н. Конрад 1968 йили ёзган “Средневековое возрождение и Алишер Навои” – “Ўрта асрлар Уйғониш даври ва Алишер Навоий” мақоласида шу йўлни тутди. Н. Конрад ҳам В. Бартольд, Е. Бертельс каби Навоий яшаган даврни (эпохани) жуда юқори баҳолайди. Жаҳон маданияти тарихини яхши билгани боис, Навоий ижодини, у яшаган даврни катта тамаддунлар сатҳида ўрганиб туриб, хулосага келишга уринади. Навоийни эпигон – тақлидчи деб баҳолаган айрим кимсаларга қарши ўларок,

шоир асарларини “Хамса” мисолида инсоният бадий тафаккурининг юксак намунаси сифатида эътироф этади, унинг ижодини, илмий-бадий тафаккурини Ўрта асрлар Ренессанси билан боғлаб тушунтиради, шархлайди ва ўзига хос тарзда талқин этади.

Н. Конрад Навоийни салафлари ва ундан илгари ўтган илмий-бадий тафаккур соҳиблари билан уйғунликда текшириш йўлидан бориб, давр ва ижодкор масаласини, аниқроғи, Уйғонишнинг моҳиятини очиб беришга эришган.

Мақола беш қисмдан иборат. Биринчи қисмда Ҳирот ва Самарқанд, унга боғлиқ ҳолда Навоий ижоди инсониятнинг орзу-интилишларига уйғун равишда, дунё тамаддунлари сатҳида ўрганилган. Олим Навоий Искандарини инсоният ўша давргача эгаллаган билимларнинг рамзи сифатида олиб қарайди, тамаддун ўчоқларидаги уйғониш даврлари билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этади. Эллинлар, ҳиндлар ва улардан ташқарида – Узоқ Ғарбда – Римда, Узоқ Шарқда – Хитойда маданий ҳодисаларга боғлаб тушунтиришга, керак бўлса, япон маданиятига уйғунлаштиришга ҳаракат қилади, Навоий универсализмига алоҳида эътибор қаратади. Фақат шоир шахси билан боғлиқ бўлмай, планетар масштабга кўтарилган универсализмга боғлаб Навоий қаҳрамонларини диний, бадий анъаналар ва дунё билан боғлиқ тасаввурлари асосида тушунтиради.

Мақоланинг иккинчи қисмида ҳам олим маҳорат билан ўз фикрларини Искандар орқали Темур даврига боғлаб тўрганади. Олимнинг фикрича, Амир Темур даврида универсализм сиёсий аспектда – иллюзия бўлса, санъатда реал намоён бўлган эди.

Н. Конрад “Садди Искандарий” достони сўнгидаги лавҳани талқин этиш асносида Навоий ва унинг салафлари, устоз ва шогирд каби масалаларга боғлиқ ҳолда катта фалсафий қарашларини ифодалашга муяссар бўлади. Лавҳа-воқеа шундай: ўз “Хамса”сини яқунлаган Навоий уни Жомийга тақдим қилиб, бир зум чуқур ўйга толади. Конрад ифодасида – Жомий Навоийнинг елкасига қўлини қўяди. Навоий кўзини юмади. Кўз ўнгида боғ пайдо бўлади ва бир киши келиб уни бокқа бошлайди. Бу – Ҳасан Дехлавий эди. У Навоийни уч кишининг олдига бошлаб боради, булар – Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий ва Абдурахмон Жомий эдилар. Уларнинг яқинида Фирдавсий, Унсурий, Анварий, Хоқоний, Санойи, Саъдий – X–XI асрларнинг шоирлари бор эди, ўртада эса XV аср шоири Жомий турарди. Н. Конрад шу ўринда Навоийнинг елкасига қўлини қўйган Жомийни устоз деб баҳолайди ва у Навоийга тўғри йўл кўрсатди, унга ижодий ишнинг мазмун-моҳиятини англатди, деган хулосага келади. Бу устоздан кейин эса буюк устоз ҳақида гапириб, унинг катта бир даврга мансуб кишилар эканлигини таъкидлайди. Бунда Навоийнинг ўтмишдаги меросга

муносабати ҳақида фикр юритиб, буюк зотлар – шоирлар ва олимлар ҳақида сўз юритиб, улар Навоий ижодининг илдизи эканлигини алоҳида таъкидлайди. Олимлардан Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд ва бошқаларнинг илмий-адабий меросини бирбутунликда олиб қарайди. Уйғониш билан боғлиқ ҳолатларни узоқ давом этган тафаккур маҳсули сифатида муайян ҳудуддаги умумий жиҳатларга боғлайди. Ушбу давр илмий-бадий тафаккури маҳсулини дунё илмий-бадий тафаккурига қиёслайди.

“Жомий ким? У – шоир, у – файласуф, у – филолог, у – мусиқачи. Шуларнинг ҳаммаси билан бирга у суфий. Унинг ёзганларида ҳаёт сирлари, ижод сирлари мавжуд. Шу боис ёзганлари орасида шоир сиршуносликка оид кашфиётлар ва поэтика, риторика ва мусиқа соҳасидаги рисоалари.

Етарли эмасми? Ибн Рушд ўз рационалиزمи билан, Жомий мистициزمи билан. Булар Ўрта асрларни портлатган ва янги замонга йўл очган ўша буюк кучлар эмасми?”, – дейди олим.

Кўриниб турибдики, Конрад Навоий ижодига, у яшаган даврга, ҳудудга ва умуман олганда, бу ўринда тавсиф этилаётган уйғониш билан боғлиқ масалаларга дунё динларини, хусусан, буддизмни ўрганиб орттирган билим ва тажрибалари орқали назар ташлайди. Буларни дунёда содир бўлган ёки бўладиган уйғонишлар, янгиланишлар билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилади. Катта кўламда фикрлаб, иш кўради.

Мақолада олимнинг энг муҳим фикрлари дунё тарихи ва маданиятида муҳим ўрин тутган Искандар орқали тушунтириши ҳам эътиборни тортади. Унда “Хамса” дostonларидаги Искандарга, асосан, Жомий ва Навоийнинг Искандарига кўп мурожаат қилинган. Чунки, бизнинг назаримизда ҳам, Шарқу Ғарбни бир-бирига туташтирган бу сиймонинг тарихий қиёфаси ҳам, бадий сиймоси ҳам Н. Конрадга умуминсоний масалалар доирасидаги фикрларини айтишга яхши имконият яратган эди. Олим ўз билимлари даражасида, шахс сифатидаги кўлами билан Навоийни шу йўл орқали тушунтирган.

Алишер Навоий асарларини яхши тушуниш учун дунё адабиётини яхши билиш керакми? – деган савол туғилади. Албатта, дунёни, унинг адабиётини кўп билганга нима етсин. Биз қанча кўп билсак, Навоийни тушуниш имкониятимиз шунча кенгайди. Бироқ бу билимлар ҳар доим тўғри хулоса чиқариш учун ёрдам беролмаслиги мумкин. Навоийни тушуниш, аниқроғи, тўғри тушуниш учун, бу ўринда, шоир баҳраманд бўлган манбаларни билишимиз бизга кўпроқ ёрдам беради. Уларни ҳеч бўлмаганда, имконимиз доирасида ўрганиш шоир адабий меросини тўғри баҳолашга йўл очади.

Академик Н. Конрад дунё фалсафасини, бадий адабиётини яхши билган. У дунё бадий тафаккурининг энг йирик ўчоқларидаги ижодкорлар ва уларнинг

асарларини кўплаб сатҳларда текширишга қодир олим – дунё маданияти тарихининг билимдони эди. Эллинлар маданияти, ҳиндлар, японлар бадий тафаккури ва албатта, Европа адабиётидан, айтиш мумкин бўлса, бекаму кўст хабардор бўлган бу олим “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” дostonларига ҳам муносабат билдиради. “Фарҳод ва Ширин” дostonи қаҳрамонларининг бири хитойлик, иккинчиси – армани, бошқаси эронлик эканлигига эътиборни қаратиб, Искандарнинг румлик эканлигини эсга олади, Навоийни ўзбек шоири деб олқишлайди. Ўзбек халқига жаҳонга шундай шоирни бергани учун ўз эҳтиромини бажо келтиради.

“Лайли ва Мажнун” дostonига тўхталаркан, ундаги ишқни бирдан чақнаган чақмоққа қиёслайди, бу ишқнинг жунунвашлигини таъкидлайди ва қаҳрамонларнинг бир пайтда ўлим топишларига ишора қилиб, уни фожиали қисса деб баҳолайди. Ушбу мавзу ва сюжетнинг абадий мавзу ва сюжет эканлигини айтади. Бир жиҳатдан бу – тўғри баҳо. “Лайли ва Мажнун” чиндан ишқ ҳақидаги дoston. Унда олим таърифлаган масалалар ҳам мавжуд. Бироқ “Лайли ва Мажнун”ни “Тристан ва Изольда”га қиёслаш қанчалар тўғри. Ҳар икки асар сюжет линиясига кўра баъзи ўринларда ўхшаш. Лекин ҳамма воқеалар моҳиятда бир-биридан мутлақо йироқ. Лайлининг жамоли ошиқ Мажнун учун Ҳақнинг мазҳари эди. Бундан ташқари, Навоий “Лайли ва Мажнун” дostonининг афсона эмаслигини бир ўринда шундай таъкидлайди: *“Ўзмоқта бу ишқи жовидона,/Мақсудум эмас эди фасона./Мазмунига бўлди руҳ майли,/Афсона эди анинг туфайли./Лекин чу рақамга келди мазмун,/Афсона анга либоси мавзун”*.

Кўриниб турибдики, бу дostonни нафақат дунёвий муҳаббатни куйлаган “Тристан ва Изольда”га, ҳатто Шекспирнинг “Ромео ва Жульетта”сига ҳам қиёслаб бўлмайди. Н. Конрад эса Лайли билан Мажнуннинг бир пайтда ўлим топишлари воқеасига боғлиқ ҳолда, ҳатто М. Булгаковнинг “Уста ва Маргарита”сини эслайди. Ўз фикрини исботлаш учун дostonдан парча ҳам келтиради, жумладан, Навоийнинг ушбу байтларини таржимада беради: *“Жононига ул фидо қилиб жон,/Бу жон берибон нечукки жонон. – Возлюбленному душу отдала,/К возлюбленной ушла его душа”*. Моҳиятан олиб қаралганда, ушбу байтлар олим таъкидлаётган фикрларни асослаш учун хизмат қилолмайди.

Тўғри, келтирилган асарлардаги севишганларнинг фожиаси бир-бирига ўхшаш. Сюжетга алоқадор ўхшашликлар ҳам кам эмас. Лекин ушбу асарлардаги ўхшашликларнинг барчаси зоҳирий. Баъзан умуминсоний масалаларда туташ нуқталарни кўрсак-да, ижодкор нияти, ҳудуд, давр, эътиқод ва дунёни идрок этиш ва ижодкорнинг шахс сифатидаги кўламдорлиги ҳам

борки, булар назарга олинса, Навоий “Лайли ва Мажнун”ининг салмоғи бу санаб ўтилган асарлардан нечоғли баланд эканлиги кўринади.

Албатта, академик Конраднинг ушбу мақоладаги талқинларини дунё адабиётини яхши билган мутахассиснинг Навоийни, унинг ижодини тушунишдаги уринишлари, деб айтиш ҳам мумкин. Бундан ташқари, ушбу мақолани ёзаётганида олим, асосан, унинг рус тилига қисқартириб ўгирилган нашрларидан фойдаланган. Ушбу нашрда шоирнинг бу асарни ёзиш нияти, образларни талқин этишда, асар сюжетини тушунишда очқич бўлиб хизмат қиладиган байтлар тушиб қолган. Масалан, ҳамд бобидаги *Эй ҳар сориким қилиб тажалли, / Ул мазҳар ўлуб жаҳонда Лайли. / Эй оники Лайли айлаб отин, / Мажнун қилмоқ қилиб сифотин, Эй Мажнунунг хираддин озод, / Оҳи берибон хирадни барбод* каби байтларини ҳам ўқиганда, бундай хулосалар келиб чиқмасмиди? Ушбу дostonнинг ислом дини, тасаввуф фалсафаси билан чамбарчас боғлиқлиги асарнинг моҳиятда умуман бошқа маъноларни ифодалашига, гарчи Ренессанс билан боғлаб текширса-да, гувоҳ бўлган бўлармиди?

Кўриниб турибдики, академик Конраднинг Навоийни камситмаган ҳолда айтилган бундай хулосалари дунёда Навоийни тушуниш ўзанини бошқа томонга буриб юбориши ҳам мумкин эди.

Н. Конраддан бошқа тадқиқотчилар, жумладан, Е. Бертельс ўз ишларида Навоийни ўзига хос талқинда ўрганади. Бу алоҳида мавзу.

Бугун биз Навоийни дунё билишини истаб кўп гапирамиз, дунёнинг Навоийдек зотга эҳтиёжманд эканлигини ҳам биламиз. Лекин шоир асарлари европа тилларига, ҳеч бўлмаганда рус тилига шарҳлар билан ўгириб тақдим қилинмас экан, Навоийни тўғри тушунтиришдек мақсадимизга етишимиз мушкул.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мир Али-Шир и политическая жизнь. В книге: Бартольд В.В. Сочинения в 9-ти томах. Том II-2. –М.:Наука: 1964.
2. Бертельс Е.Э. Навои. –М.: Наука, 1948.
3. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навои и Джами. –М.: Наука, 1965.
4. Конрад Н.И. Избранные труды. Литература и театр. –М.: Наука, 1968
5. Олим Шарафиддинов. Алишер Навоий. – Т., 1939; 1948.